# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: info@xs.uz • 2023 йил 14 март, № 51 (8394) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# СУРХОНДАРЁ САНОАТИ РИВОЖЛАНГАН ОСУДА ВА ОБОД ҲУДУДГА АЙЛАНАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши билан танишиш мақсадида жорий йил 13 март куни Сурхондарё вилоятида бўлди.**





Давлатимиз раҳбарининг ташрифи буюк аллома Ҳаким ат-Термизий мақбараси зиёрати билан бошланди.

Аллоҳдан юртимизга тинчлик, хайр-баракa тилаб дуо қилинди.

Уламолар билан бўлган суҳбатда илм-маърифат ривожига яратилаётган шароитлар ва диний эркинликлар ҳақида сўз юритилди. Кейинги йилларда мусулмонлар ибодатларини эмин-эркин адо этишлари учун барча шароитлар муҳайё қилинди: янги масжидлар, мадрасалар қурилди, илмий-маърифий мажмуалар барпо қилингани, ҳар йили минглаб юртдошларимиз Ҳаж ва Умра ибодатларини адо этиш бахтига мушарраф бўлишаётгани, эндиги асосий вазифа бунинг аҳамияти ва маънавиятини халққа етказиш экани таъкидланди.

Энг аввало, имом-хатиблар ҳудудларга чиқиб, Ҳаким ва Имом Термизийлар, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Абу Муин Насафий ва бошқа буюк алломаларимиз меросини тизимли ва чуқур ўрганиши кераклиги қайд этилди. Бунинг учун алоҳида дастур ишлаб чиқиш таклифи билдирилди.

Термиз шаҳрида халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида вилоят аҳлига чуқур ҳурматини билдириб, воҳа аҳли турли соҳа ва тармоқларда улкан натижаларга эришаётганини таъкидлади.

— Шундай гўзал баҳор кунларида, улуғ айёмлар арафасида сизлар билан кўришиб турганимдан хурсандман. Бугун вилоятга ҳоким қўйиб, янги марраларни белгилаб олишимиз керак. Мақсад — ислоҳотлар ижроси ва даражасини ошириш, ниятларни баланд қўйиб, шунга муносиб ҳаракат қилиш, халқ ичига кириб бориб, уларни рози қилиш, — деди Президент.

Йиғилишда ҳудуд ривожининг бугунги ҳолатига тўхталиб ўтилди. Охирги беш йилда вилоятда саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларида 15 мингдан зиёд корхоналар ишга тушган. Янги қурилган "Зарчоб-1" ва "Зарчоб-2" микро гидроэлектр станцияларида йилига 201 миллион киловатт-соат электр ишлаб чиқарилмоқда.

Шунингдек, 257 та мактаб қурилган ва реконструкция қилинган, боғчалар қамрови 18 фоиздан 62 фоизга етган. 302 минг аҳоли илк бор марказлашган ичимлик суви билан таъминланган. 1 минг километр халқаро ва 3 минг километр ички йўллар таъмирланган.

— Агар яна бир-икки йил қаттиқ ишлаб, халқимизга астойдил хизмат қилсак, Сурхондарёда жуда катта ривожланиш, ўсиш бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Давлатимиз раҳбари Сурхондарё вилояти ҳокими лавозимига Улуғбек Қосимов номзодини тавсия этди.

У. Қосимов 1983 йилда туғилган. 2018 йилга қадар Музработ ва Денов туманлари ҳокими, 2018 — 2022 йилларда Сурхондарё ва Фарғона вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳар прокурори лавозимларида ишлаб, катта тажриба орттирган.

У ўтган йил декабрдан буён Сурхондарё вилояти ҳокими вазифасини бажариб келмоқда.

Давлатимиз раҳбари номзодни лавозимга тасдиқлашдан аввал унинг режаларини эшитишни таклиф этди. Улуғбек Қосимов вилоятда тадбиркорлик, саноат, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, аҳолига муносиб турмуш шароити яратиш бўйича режаларини тақдимот қилди.

Президентимиз бу таклифларни маъқуллаб, улар юзасидан мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини ошириш энг асосий вазифа сифатида белгиланди. Маҳаллаларга оилавий тадбиркорликни олиб кириш ва касаначилик орқали 60 минг, янги бизнес субъектлари ташкил қилиш орқали 4 минг аҳолини, ишсизларни замонавий касбларга ўқитиб 20 минг иш ўрни билан таъминлаш мумкинлиги қайд этилди.

Сурхондарёнинг иқлими деҳқончилик учун жуда қулай, маҳсулотлар эрта пишади. Шу боис вилоятда сўнгги беш йилда мева-сабзавот асосий экин майдонлари 2,5 баравар кўпайтирилган. Бу йил аҳоли учун яна 8 минг 500 гектар ажратилмоқда. Деҳқонларга шароит яратиб, сув таъминотини яхшилаб, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмини 2 баравар ошириш ва экспортни 250 миллион долларга етказиш вазифаси қўйилди.

Охирги беш йилда вилоят саноатига 30 триллион сўм инвестиция жалб қилиниб, 5 мингдан зиёд корхоналар ташкил топган. Ишлаб чиқариш 3 баравар кўпайиб, саноат экспорти 132 миллион долларга етган. Сурхондарёда илгари бўлмаган қурилиш материаллари, чарм-пойабзал, электр техникаси каби янги тармоқлар пайдо бўлган.

Шу билан бирга, вилоятда ҳали фойдаланилмаган конлар ва имкониятлар кўп. Жорий йилда 292 та саноат лойиҳаси ишга туширилиши белгиланди. Бу 10 мингта янги иш ўрни яратиш имконини беради. Шунингдек, саноатда импортни 50 миллион долларга қисқартириб, экспортни камида 250 миллион долларга етказиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда энергетика масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Сариосиё туманидаги Тўполанг гидроэлектр станцияси ҳамда янги 3 та кичик ва микро ГЭСда шу йилнинг ўзида 350 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Шеробод туманида 457 мегаватт қувватли йирик қуёш фотоэлектр станцияси ишга туширилади. Шунингдек, кичик қувватли қуёш панелларини ўрнатиш бўйича режалар айтиб ўтилди.

Умуман олганда, Сурхондарёда ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга жорий йилги давлат дастурларида кўзда тутилган 1,5 триллион сўмга қўшимча 465 миллиард сўм ажратилиши белгиланди. Шунингдек, аграр соҳа, ичимлик суви ва тадбиркорлик лойиҳаларига қўшимча 328 миллион доллар жалб қилиш бўйича топшириқ берилди.

Булар орқали 325 минг аҳолини даромадли меҳнат билан таъминлаб, Сурхондарёни камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш мақсад қилиб қўйилди.

Тақдимотдан сўнг вилоят Кенгаши депутатлари номзоднинг режалари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Ташкилий масала овозга қўйилди. Унинг натижаларига кўра, Улуғбек Қосимов Сурхондарё вилоятининг ҳокими этиб тасдиқланди.

Давлатимиз раҳбари белгиланган режалар энди ҳаётга кўчиши, барча ташкилотлар ҳоким атрофида бирлашиб, халққа хизмат қилиши кераклигини таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёев Термиз туманининг Янгиобод маҳалласидаги "Termez National Carpets" масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишди.

Корхона йилига 2,2 миллион квадрат метр гилам ишлаб чиқариш қувватига эга. Бунинг учун Германия, Бельгия, Туркиядан замонавий ускуналар келтириб ўрнатилган. 150 та янги иш ўрни яратилди.

Маҳсулотларнинг қарийб ярмини экспорт қилиш режалаштирилган. Хомашёнинг 80 фоизи маҳаллийлаштирилган. Корхона ишга туширилган қисқа вақтда Озарбайжон ва Қирғизистон давлатларига 255 минг долларлик гилам ва гилам маҳсулотлари экспорт қилинди. Жорий йилда 4 миллион долларлик маҳсулотни хорижлик буюртмачиларга етказиб бериш мўлжалланмоқда.

Муҳими, корхонада муқобил энергиядан фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳозир ташқи ва ички ёритиш тизими учун қуёш панелларидан фойдаланилаётир.

Давлатимиз раҳбари ишлаб чиқариш жараёни билан танишди. Вилоятда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари кўргазмасини кўздан кечирди.

**(Давоми 2-бетда).**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

---

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

### Энергия ресурсларидан қонунга хилоф равишда фойдаланганлик учун жавобгарлик кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил 2 мартда қабул қилинган
Сенат томонидан 2023 йил 3 мартда маъқулланган

Кейинги йилларда энергия ресурсларидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш ҳолларини бартараф этиш ҳамда истеъмолчилар томонидан табиий газ ва электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларига риоя этилишини таъминлаш юзасидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Бироқ кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан энергия ресурсларидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш билан боғлиқ қонунбузарликлар салмоғи ортиб бормоқда.

**(Давоми 2-бетда).**

---

Жараён

## РЕФЕРЕНДУМ — ХАЛҚ ИРОДАСИНИНГ ҲАЁТИЙ ИФОДАСИ

**Кеча Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мажлиси бўлиб ўтди.**

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш ҳақида"ги 3017-IV-сон қарори (иловаси билан) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлигини аниқлаш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Суд мажлисини Конституциявий суд раиси М. Абдусаломов олиб борди. Мажлисда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сенаторлар, Конституциявий комиссия аъзолари, Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳамда ходимлари, Конституциявий суд Илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари, нодавлат нотижорат, илмий ва таълим ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Конституциявий суд мажлисида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни билан Конституцияга ўзгартиш киритиш тартибига риоя қилинганлиги, референдумга қўйилаётган Конституциявий Қонун лойиҳасида референдум предмети бўлиши мумкин бўлмаган масалалар мавжуд эмаслиги ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан референдум тайинлаш тартибига риоя этилганлиги каби масалалар атрофлича ва ҳар томонлама муҳокамадан ўтказилди.

→ 4

---

## Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ҚАРОРИ

### Ўзбекистон Республикаси номидан

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш ҳақида»ги қарорининг (иловаси билан) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлигини аниқлаш тўғрисидаги иш юзасидан

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди (кейинги ўринларда — Конституциявий суд) раис М.Абдусаломов, судьялар А.Гафуров, Ж.Балкибаева, К.Давлетова, Р.Исмайлов, А.Рахимов ва А.Рахмановдан иборат таркибда, катта эксперт Ш.Мажидовнинг котиблигида, тарафнинг вакили — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қўмита раиси Ж.Ширинов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қўмита раиси Н.Умаров, тегишли давлат органлари ва нодавлат ташкилотлари вакиллари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мурожаати бўйича Қонунчилик палатасининг 2023 йил 10 мартда қабул қилган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш ҳақида"ги қарорини (иловаси билан) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлигини аниқлаш тўғрисидаги ишни очиқ суд мажлисида кўриб чиқди.

Конституциявий суд маърузачи судья А.Гафуровнинг маърузасини, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмита раиси Ж.Ширинов, Олий Мажлис Сенати қўмита раиси Н.Умаров, адлия вазири А.Тошқулов, Илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари, ҳуқуқшунос олим ва мутахассисларнинг фикр ва нуқтаи назарини эшитиб, иш материалларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни

**АНИҚЛАДИ:**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Конституциявий судга мурожаат қилиб, 2023 йил 10 мартда қабул қилган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш ҳақида"ги 3017-IV-сон қарорининг (иловаси билан) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлигини аниқлашни сўраган.

→ 3

---

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### У.Б.ҚОСИМОВНИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ **Улуғбек Бердиқобилович Қосимов** Сурхондарё вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 13 март

---

## МАДАНИЯТ ВА ТУРИЗМ ВАЗИРЛИГИ НУФУЗЛИ ТАДБИРДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

*Германиянинг Берлин шаҳрида бўлиб ўтган "PATWA International Travel Awards 2023" йиллик тадбирида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва туризм вазирлиги "Марказий Осиёдаги йилнинг энг яхши туризм вазирлиги" нуфузли мукофоти билан тақдирланди.*

Биз ва жаҳон

Мазкур мукофот Ўзбекистоннинг мамлакатда сайёҳлик тизимини ривожлантириш, хорижий сайёҳларни кенг жалб қилиш, улар учун тегишли шароитларни яратиш борасидаги саъй-ҳаракатларининг халқаро даражадаги эътирофидир.

Ҳар йили дунёдаги энг йирик сайёҳлик ярмаркаси ҳисобланган "ITB Berlin" ("Internationale Tourismus-Bцrse Berlin") доирасида уюштирилган "PATWA International Travel Awards" тадбирида 7 мингдан ортиқ журналистлар, экспонент ва 180 мамлакатдан шу соҳа мутахассислари иштирок этди.

→ 4

---

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг навбатдаги ялпи мажлиси тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўттиз саккизинчи ялпи мажлиси 2023 йил 14 март куни соат 15.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносида бўлиб ўтади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди томонидан 2023 йил 13 март куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2023 йил 10 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш ҳақида"ги 3017-IV-сон қарори бўйича уни Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ деб топиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш тўғрисида ва уни ўтказиш санасини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилиш Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари ҳисобланади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2023 йил 10 мартдаги ва Конституциявий суднинг 2023 йил 13 мартдаги қарорларини инобатга олиб, "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш ҳақидаги масала Олий Мажлис Сенатида ҳам кўриб чиқилиши керак.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2023 йил 14 март куни бўлиб ўтадиган ўттиз саккизинчи ялпи мажлисида ушбу масала муҳокама қилинади.

Ялпи мажлисда сенаторлар, Ҳукумат аъзолари, давлат органлари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этади.

Ялпи мажлис "O'zbekiston 24", "O'zbekiston" телерадиоканаллари, "Uzreport" телеканали ҳамда Сенатнинг "YouTube" тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ахборот хизмати.**

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# Энергия ресурсларидан қонунга хилоф равишда фойдаланганлик учун жавобгарлик кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу муносабат билан энергия ресурсларидан қонунга хилоф равишда фойдаланганлик ва мазкур соҳадаги ваколатли органларнинг кўрсатмаларини бажармаганлик учун жавобгарликни кучайтириш зарурати юзага келмоқда.

Мазкур Қонун билан электр энергияси, газ ҳамда водопроводдан тижорат мақсадларида қонунга хилоф равишда фойдаланиш билан боғлиқ ҳаракатлар ўғирлик сифатида малакаланади, Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари кўрсатмаларини бажармаганлик учун маъмурий жавобгарлик, шунингдек электр энергияси ва газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ маъмурий ишлари кўриб чиқиш ваколати ушбу Инспекцияга ва унинг ҳудудий бошқармаларига тааллуқлилиги белгиланмоқда.

Ушбу Қонун энергия ресурсларидан қонунга хилоф равишда фойдаланганлик соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, мазкур қилмишларни содир этганлик учун муқаррарлигини таъминлаш, шунингдек бундай тоифадаги ҳуқуқбузарликлар доир суд-тергов амалиётида ягона ёндашувни шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, № 3, 217-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 966, 968, 973-моддалар, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 466-моддалар, № 6, 575-модда, № 10, 981-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **169-модда иккинчи қисми**:

«**г**» **бандининг ўзбекча матнидаги** «содир этилган бўлса» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги «**д**» ва «**е**» **бандлар** билан тўлдирилсин:

«д) умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига тижорат мақсадларида ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд электр энергиясини, табиий газни, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига, шу жумладан уларнинг пломбаларига қасддан шикаст етказиш ёхуд ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш йўли билан;

е) умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ ёки сув таъминоти ташкилотларининг мансабдор шахслари ёки ходимлари томонидан олдиндан тил бириктириб, тижорат мақсадларида ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд электр энергиясини, табиий газни, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига, шу жумладан уларнинг пломбаларига қасддан шикаст етказиш ёхуд ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш йўли билан содир этилган бўлса»;

2) **185²-модда** қуйидаги мазмундаги **еттинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу модда умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига тижорат мақсадларида ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд электр энергиясини, табиий газни, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига, шу жумладан уларнинг пломбаларига қасддан шикаст етказиш ёхуд ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш орқали талон-торож қилиш билан боғлиқ ҳаракатлар содир этилганда қўлланилмайди»;

3) **саккизинчи бўлим** қуйидаги мазмундаги **атама** билан тўлдирилсин:

«**Тижорат мақсади** – жисмоний ёки юридик шахслар томонидан муайян фаолиятда фойда ёки даромад олишга қаратилган мақсад».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 11, 23-моддалар, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469-модда, № 9, 589, 592-моддалар, № 10, 671-модда, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 881, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 204-модда, № 5, 296-модда, № 12, 689-модда; 2021 йил, № 1, 5, 11, 13, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 973-модда, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 216-модда, № 4, 337-модда, № 6, 575-модда) **345-моддасига** қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

**иккинчи қисми** «141 – 149» рақамларидан кейин «169-моддаси иккинчи қисмининг «д» ва «е» бандларида ҳамда учинчи қисмининг «г» бандида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**бешинчи қисмдаги** «169-моддаси иккинчи – тўртинчи қисмларида» деган сўзлар «169-моддаси иккинчи қисмининг «а», «б», «в» ва «г» бандларида, учинчи қисмининг «а», «б» ва «в» бандларида ҳамда тўртинчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1189-модда) қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартиш киритилсин:

1) **61-модда**:

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига тижорат мақсадларида ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд электр энергиясини, табиий газни, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига, шу жумладан уларнинг пломбаларига қасддан шикаст етказиш ёхуд ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш йўли билан электр энергиясини, табиий газни, совуқ ёки иссиқ сувни ўғирлаш тарзида содир этилган оз миқдорда талон-торож қилиш, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади»;

**учинчи** ва **тўртинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Тижорат мақсади деганда жисмоний ёки юридик шахслар томонидан муайян фаолиятда фойда ёки даромад олишга қаратилган мақсад тушунилади»;

2) **101-модда** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу модда умумий фойдаланишдаги электр ёки газ тармоқларига тижорат мақсадларида ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд электр энергиясини, табиий газни ҳисобга олиш асбобларига, шу жумладан уларнинг пломбаларига қасддан шикаст етказиш ёхуд ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш орқали оз миқдорда ўғирлаш билан боғлиқ ҳаракатлар содир этилганда қўлланилмайди»;

3) **163-модда** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу модда умумий фойдаланишдаги иссиқлик ёки водопровод тармоқларига тижорат мақсадларида ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига, шу жумладан уларнинг пломбаларига қасддан шикаст етказиш ёхуд ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш орқали оз миқдорда ўғирлаш билан боғлиқ ҳаракатлар содир этилганда қўлланилмайди»;

4) қуйидаги мазмундаги **198⁶-модда** билан тўлдирилсин:

«**198⁶-модда. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари кўрсатмаларини бажармаганлик**

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари кўрсатмаларини бажармаганлик, –

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил ичида такрор содир этилган бўлса, –

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

5) **245-модданинг биринчи қисми**:

«101» рақамидан кейин «(бундан Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясига тааллуқли ишлар мустасно)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

«198⁵» рақамидан кейин «198⁶» рақами билан тўлдирилсин;

6) **248-модданинг тўртинчи қисми** «ушбу Кодекснинг 101-моддасида» деган сўзлардан кейин «(бундан Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясига тааллуқли ишлар мустасно)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

7) қуйидаги мазмундаги **260²-модда** билан тўлдирилсин:

«**260²-модда. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси**

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясига ушбу Кодекснинг 101-моддасида (электр энергияси ва газдан фойдаланиш қисмида мансабдор шахсларга нисбатан) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ва жарима солиш тариқасидаги маъмурий жазо чорасини қўллашга қуйидагилар ҳақли:

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси бошлиғи ҳамда унинг ўринбосарлари;

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясининг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари.

Ушбу Кодекснинг 198⁶-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари мансабдор шахслари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ушбу Кодекснинг 282-моддасида белгиланган тартибда судга кўриб чиқиш учун юборилади».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Энергетика вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**6-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 13 март
№ ЎРҚ—822

# СУРХОНДАРЁ САНОАТИ РИВОЖЛАНГАН ОСУДА ВА ОБОД ҲУДУДГА АЙЛАНАДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу ерда 6 та янги ишлаб чиқариш қувватини ишга тушириш маросими бўлди. Термиз шаҳридаги “Indenim Cluster”, Жарқўрғон туманидаги “Фабулло строй сервис”, Ангор туманидаги “Ангор Барака”, Термиз туманидаги “Termiz agro impeks” корхоналари, Сариосиё туманидаги қурилиш материаллари кичик саноат зонаси ва Тўполанг гидроэлектр станцияси вакиллари видеоалоқа орқали мажмуалар салоҳияти ҳақида ахборот берди.

Термиз шаҳридаги “Indenim Cluster” масъулияти чекланган жамияти пахта толасидан тайёр кийим-кечак ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. 400 та янги иш ўрни яратилган.

Жарқўрғон туманидаги “Фабулло строй сервис” корхонасида йилига 75 минг куб метр автоклав газоблок ишлаб чиқариш ўзлаштирилиб, 80 та янги иш ўрни ташкил этилди.

Ангор туманидаги “Ангор Барака” масъулияти чекланган жамияти савдо мажмуасида миллий ҳунармандчилик маркази очилган. У ерда йилига қарийб 125 минг дона тайёр тикувчилик, 50 турдаги миллий либослар ва ҳунармандчилик маҳсулотлари тайёрланиб, минг нафарга яқин хотин-қизларнинг бандлиги таъминланади.

Сариосиё туманидаги кичик саноат зонасида замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади.

“Termiz agro impeks” масъулияти чекланган жамияти томонидан Термиз туманида 3 минг тонна сиғимга эга музлаткичли омборхона, замонавий иссиқхона барпо этилиб, 220 кишининг бандлигини таъминлаган.

Тўполанг гидроэлектр станциясини модернизация қилиш лойиҳаси доирасида унинг умумий қуввати 175 мегаваттга етмоқда. Бу йилига 467 миллион киловатт-соат электр ишлаб чиқариш имконини беради.

Умуман, мазкур 6 та корхона 2 мингта янги иш ўрни яратиб, вилоят ишлаб чиқаришига 370 миллиард сўм, экспортига 20 миллион доллар қўшади.

Давлатимиз раҳбари рамзий тугмани босиб, янги корхоналарни ишга туширди.

Президентимиз Жарқўрғон туманидаги “Камола Камолбек Қуюн” фермер хўжалигида бўлиб, экинлар ривожини кўздан кечирди, ғалла ва ғўзанинг нави, ҳосилдорлиги билан қизиқди.

Хўжаликнинг ер майдони 45 гектар. Жорий йилда ғалладан 70, пахтадан 40 центнердан ҳосил етиштириш мўлжалланмоқда. 35 киши доимий ва мавсумий иш билан таъминланган.

— Нима учун қишлоқ хўжалигида илм, инновация керак, деяпмиз? Аввало, сифат ва ҳосилдорлик учун. Юқори даромад олишни хоҳлаган фермер илм билан меҳнат унумдорлигини оширишга ҳаракат қилиши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Маълумки, ғалладан бўшаган майдонларга такрорий экин экиш учун ишсиз аҳоли вакилларига ер берилмоқда. “Камола Камолбек Қуюн” фермер хўжалигида ҳам ижтимоий дафтарларга киритилган 34 нафар фуқарога 20 — 25 сотихдан ер ажратилган. Улар кўкат, картошка, пиёз, сабзи ва бошқа экинлар экиб, яхши даромад олган. Жорий йилда ҳам қўшимча 18 нафар фуқарога деҳқон хўжаликлари ташкил этиш учун 30 сотихдан ер майдонлари ажратилиши кўзда тутилган.

Президент шундай ер эгалари билан суҳбатлашди.

— Аҳолига ер берилиб, уруғ, ўғит масалаларида ҳам ёрдам кўрсатилмоқда. Фақат меҳнат қилиш қоляпти. Агар ҳар бир оила ўзи ҳаракат қилиб, ҳаётида ўзгариш қилса, камбағаллик ҳам, ишсизлик ҳам бўлмайди, — деди давлатимиз раҳбари.

Сурхондарё иқлимида 3 мартагача ҳосил олиш мумкинлиги, аҳолига кўмаклашиб, даромад манбаи яратиш зарурлиги таъкидланди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг Сурхондарё вилоятидаги взводларидан бирига ташриф буюрди.

Маъмурий бинодаги шароитлар, чегарани қўриқлашда қўлланилаётган ҳарбий техника ва қурол-аслаҳалар кўздан кечирилди. Давлат чегарасини қўриқлашда учувчисиз учиш аппаратларининг аҳамияти таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон — Афғонистон чегарасини қўриқлаш жараёни билан яқиндан танишди.

Мамлакатимизда қўшинларнинг жанговар шайлигини ошириш билан бирга ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялашга катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу взвод ёнида ҳам шинам хонадонлар барпо этилган.

Давлатимиз раҳбари шундай хонадонлардан бирида меҳмон бўлди. Ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан суҳбатлашди.

— Ватанимиз ҳимоячиларининг ўз вазифаларини хотиржам бажариши, фарзандлар тарбияси сизларга боғлиқ. Турмуш ўртоқларингизга мададкор бўлиб, катта жасорат кўрсатяпсиз. Сизлар ҳам Ватан ҳимоячисизлар, — деди Шавкат Мирзиёев ҳарбийларнинг рафиқаларига.

Ҳовлида ўйингоҳлар, спорт майдончалари, аёллар учун тикувчилик ва қандолатчилик хонаси ташкил қилинган. Болаларни мактаб ва боғчага элтиш учун автобус йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев Жануби-Ғарбий махсус ҳарбий округи “Термиз” дала ўқув майдонида Мудофаа вазирлиги қўшинларининг бригада тактик ўқувини кузатди.

Сўнгги йилларда Қуролли Кучларимиз тубдан ислоҳ қилиниб, қўшин турларининг қўлланилиш тактикаси ва стратегияси такомиллаштирилди. Бўлинмаларнинг ҳамкорлигини ташкил этиш, жанговар ҳаракатлар ва операцияларни учувчисиз учиш аппаратлари, авиация ва артиллерия имкониятларидан кенгроқ фойдаланган ҳолда олиб боришнинг замонавий тажрибаси амалиётга жорий этилди.

Хусусан, бу жараён гуруҳ, взвод ва бригада тактик ўқувларида топшириқларни бажариш, қурол-яроғ ва ҳарбий техниканинг энг замонавий намуналарини қўллаш, авиация ёрдамида умумқўшин бўлинмаларига мадад бериш, ўтиш қийин бўлган тоғли ва чўл ҳудудларида, шаҳар шароитларидаги махсус операциялар, бўлинмаларни эвакуация қилиш каби машқларда ўз аксини топмоқда.

Ушбу машғулотлар жаҳонда кузатилаётган ҳарбий ҳаракатлар хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ўтказилди.

Президентимиз ташаббуси билан сўнгги олти йил давомида Мудофаа тизимидаги барча дала ўқув майдонлари, ҳарбий қисм ва муассасаларда халқаро талаблар асосида қурилиш ва таъмирлаш, замонавий воситалар билан жиҳозлаш ишлари олиб борилди.

“Термиз” дала ўқув майдонида ҳам Қуролли Кучлар шахсий таркибининг дала шароитида жанговар билим, кўникма ва руҳий тайёргарлигини ошириш, бригада тактик ўқувларни ўтказиш ҳамда ҳарбий санъат соҳасида изланишлар олиб бориш, шахсий таркибнинг жанговар тайёргарлигини оширишга қаратилган энг илғор шароитлар яратилди.

Президентимиз дунёда ахборот хуружи тобора авж олаётган бугунги кунда Қуролли Кучларимиз салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, халқ ва армия бирдамлигини таъминлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳарбий соҳадаги ислоҳотларнинг ўзагини ташкил этиши кераклигини таъкидлади.

Президент қўшинларнинг жанговар қобилияти ва тайёргарлигини мунтазам ошириб бориш юзасидан мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

Президент Шавкат Мирзиёев Термиз шаҳридаги “Ёш чегарачилар” ҳарбий-академик лицейини бориб кўрди.

Ўтган йили лицей учун янги бино барпо этилган. Бу ерда ижтимоий ва аниқ фанлар йўналишларида 200 дан ортиқ ўқувчилар таълим-тарбия олмоқда.

Давлатимиз раҳбари шу ерда Ватан ҳимояси ва эл-юрт тинчлиги йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ходимларнинг оила аъзолари билан учрашди. Видеоалоқа орқали тадбирга Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар вакиллари ҳам боғланди.

Маълумки, мустақилликка эришиш, тинчликни сақлаш ўз-ўзидан бўлмайди. Халқимиз ҳам кўп синовли кунларни бошидан кечирди. Осойишта ҳаётимизни издан чиқаришга уринишлар, террорчилик хуружлари бўлди. Ботир ҳарбийларимиз жасорат кўрсатиб, ғаразли кучларга қақшатқич зарба берган. Минг афсуски, бу курашда юзлаб мард ҳарбийларимиз, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари ҳалок бўлган.

Учрашувда давлатимиз раҳбари уларни номма-ном ёдга олди. Бундай довюрак фарзандларни дунёга келтириб, ҳақиқий ватанпарвар қилиб тарбиялаган ота-оналарга, уларнинг умр йўлдошлари ва фарзандларига халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдирди.

— Эл-юрт учун жонини фидо қилган ўғлонларимизни “ҳалок бўлган” дейишга тил бормайди. Улар оиласи учун, Ватанимиз учун ҳамиша барҳаёт, — деди Шавкат Мирзиёев.

Қаҳрамон ўғлонлар хотирасини абадийлаштириш, уларнинг оила аъзоларига ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш ва қўллаб-қувватлаш давлатимиз, жамиятимизнинг эътиборида бўлиб келмоқда. Марҳум ҳарбий хизматчилар давлатимизнинг юксак орден ва медаллари билан тақдирланган. Уларга бағишлаб “Мард ўғлонлар номи барҳаёт” деб номланган хотира китоби нашр этилган.

Президент қарори билан 2018 йилдан бошлаб, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар фарзандларини олий таълим муассасаларига имтиёзли тавсиянома асосида ўқишга қабул қилиш йўлга қўйилди. Ҳозирги кунга қадар 278 нафар ўғил-қиз шу асосда олийгоҳларга кирган.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий хизматчилар оиласига эътибор ва ғамхўрлик ҳамиша давом эттирилишини таъкидлади. Шу мақсадда 13 март куни “Ватан ҳимояси ва эл-юртимиз тинчлиги йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ходимлар оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармони қабул қилинди.

Ҳозирги кунда ҳалок бўлган ҳарбийлар ва ҳуқуқ-тартибот ходимларининг 270 нафар меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоси боқувчисини йўқотганлик пенсиясини оляпти. Энди Фармонга кўра ҳар бир оила аъзоси учун пенсия миқдори 25 фоизга оширилади. Натижада ҳар бир оила аъзоси ўртача 2 миллион сўмдан пенсия олади.

Иккинчидан, вафот этган хизматчиларнинг оила аъзоларидан ҳозирда 82 нафарининг уй-жойи йўқ, уларнинг 21 нафари ижарада ва 61 нафари қариндошиникида яшайди. Бундан буён, муҳтож оилаларга, биринчи навбатда, тураржой берилади ва имтиёзли ипотека кредити олиш имконияти яратилади. Оила аъзоларига ижара тўлови учун 1 миллион 800 минг сўмгача пул берилади. Бундан ташқари, ҳалок бўлган хизматчининг фарзандлари боғча, коллеж, техникум ва олийгоҳда бепул таълим-тарбия олади.

Учинчидан, оила аъзоси даромадининг солиқдан озод қилинадиган суммаси 2 баробар кўпаяди. Бу тартиб ходимнинг фарзандларига ҳам татбиқ этилади. Натижада марҳум хизматчининг оиласи рўзғорида ҳар ой ўртача 700 минг сўм қўшимча пул қолади.

Тўртинчидан, бундан буён ушбу тоифадаги хизматчининг оила аъзолари ҳарбий шифохоналарда бепул даволаниш ҳуқуқига эга бўлади ва навбатдан ташқари стационар тиббий ёрдам олади. Уларга дори-дармон ва протез-ортопедия мосламалари олиб берилади, жарроҳлик харажатлари давлат ҳисобидан қопланади. Хизматчининг ота-онаси, турмуш ўртоғи ҳар йили санаторийда бепул даволанади, болалари оромгоҳларда соғломлаштирилади. Уларнинг ота-онаси учун йилига икки марта темир йўл ва ҳаво транспортида юриш бепул бўлади.

Бешинчидан, ҳалок бўлган хизматчилар оиласини ҳарбийлашган ва ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан оталиққа олиш амалиёти жорий этилади. Шу билан бирга, вилоят ҳокимликлари томонидан оғир аҳволдаги бундай оилаларга ҳар ой 400 минг сўм миқдорида нафақа бериб борилади.

Маълумки, Ватанга қасамёд қилган хизматчи нохуш ҳолатлардан кафолатланмаган. Бундан буён, агар хизматчи ўз бурчини бажаришда ҳалок бўлган тақдирда, унинг оиласига иш ҳақининг 150 баравари миқдорида бирйўла нафақа берилади. Яъни бу нафақа ўртача 300 миллион сўмдан 500 миллион сўмга оширилади. Ҳалок бўлганда тўланадиган суғурта тўлови 25 миллион сўмдан 60 миллион сўмга кўпаяди.

Давлатимиз раҳбари бундай мард инсонларни вояга етказган ота-оналари, фарзандлари доимо юртимиз ардоғида бўлиши зарурлигини таъкидлаб, “Эл-юрт фидойиси” кўкрак нишони таъсис этиш таклифини билдирди. Бу нишон гувоҳномаси Олий Бош Қўмондон томонидан имзоланади. Ушбу эътироф эгалари барча имтиёзларга эга бўлади.

Бугун дунёнинг турли нуқталарида янги таҳдид ва қуролли тўқнашувлар юз бермоқда. Бундай таҳликали вазият халқимизни ҳам безовта қилиши табиийдир. Шу боис давлатимиз мустақиллигини, халқимиз тинчлигини ҳимоялашга катта аҳамият қаратилмоқда.

— Ҳарбий-жанговар ва юксак маънавий салоҳият Ўзбекистон Қуролли Кучларининг икки буюк таянчига айланиши зарур, — деди Президент.

Ўтган йили ҳарбий хизматчиларнинг ахлоқий-руҳий тайёргарлиги ва жанговар руҳини ошириш концепцияси қабул қилинди, “Ватан таянчи” болалар ва ўсмирлар ҳаракати ташкил этилди. Булар ёшлар қалбида ватанпарварлик туйғуларини юксалтиришга ҳисса қўшмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ватан озодлиги йўлида фидойилик кўрсатган ўғлонларимиз жасорати ҳам ёш авлод учун ибрат экани, улар ҳақида асарлар яратиш кераклигини таъкидлади.

— Эзгу мақсад йўлида бирлашган халқ ва давлатни ҳеч қандай куч енга олмайди. Илоҳим, қаҳрамон ўғлонларимизнинг охиратлари обод бўлсин. Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин, — деди Президентимиз сўзининг якунида.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Сурхондарё вилоятига ташрифи якунланди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Икром АВВАЛБОЕВ,**
**Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

## Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси номидан

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш ҳақида»ги қарорининг (иловаси билан) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлигини аниқлаш тўғрисидаги иш юзасидан

1

"Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги Конституциявий Қонуннинг 27-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

"Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари қонун ҳужжати шаклидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси биринчи қисмининг 1-банди ва "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги Конституциявий Қонуннинг 4-моддаси 1-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг Конституцияга мувофиқлигини аниқлайди.

Мурожаат ва иловаларда Конституцияга мувофиқлиги текширилиши лозим бўлган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қарорининг номи, рақами, қабул қилинган санаси, мурожаатни Конституциявий судда кўриб чиқишнинг ҳуқуқий асослари, асослантириш, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг жойлашган ери, почта манзили тўғрисидаги зарур маълумотлар ҳамда илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати кўрсатилган.

Юқоридагиларга асосан мурожаат "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги Конституциявий Қонуннинг 29-моддасида белгиланган Конституциявий судга мурожаатга қўйиладиган талабларга жавоб беради ҳамда уни кўриб чиқиш учун қабул қилишни рад этишга асослар мавжуд эмас.

Баён этилганлардан келиб чиқиб, Конституциявий суд мазкур мурожаатни кўриб чиқиш мумкин деган хулосага келди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан тақдим этилган 2023 йил 10 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш ҳақида"ги қарори (кейинги ўринларда — Қонунчилик палатаси қарори) қуйидагиларни назарда тутувчи **ўн бир банддан** ва **иловадан** иборат:

"Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни лойиҳасининг матни **2022 йил 25 июндан 1 августга қадар ўтказилган умумхалқ муҳокамасида** ва ундан кейинги жараёнларда келиб тушган таклифлар, фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда маромига етказилганлиги ҳамда бу ҳақда масъул қўмиталарнинг хулосаси олинганлигини маълумот учун қабул қилиш;

"Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни лойиҳасининг номини **"Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида" деб ўзгартириш** ҳамда унинг матнини иловага мувофиқ маъқуллаш;

"Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни лойиҳаси бўйича **Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказишни тайинлаш**;

Ўзбекистон Республикаси референдумини **2023 йил 30 апрель — якшанба** куни ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси референдумида овоз бериш бюллетенига қуйидаги матндаги масалани киритиш: **"Сиз "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунини қабул қиласизми?"**;

"Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 40-моддасига мувофиқ **Ўзбекистон Республикаси референдумида қабул қилинган қарор** Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан **референдум якунлари расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириши**;

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси референдумини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича чоралар кўриши;

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини аниқлаш учун қарорни **Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига юбориш**;

қарорни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ва Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига юбориш.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қарорининг 9-бандига асосан мазкур қарор ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни лойиҳаси Конституциявий судга тақдим этилган.

"Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги Конституциявий Қонуннинг 82-моддасига асосан Конституциявий суд норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг Конституцияга мувофиқлигини тўлиқлигича ёки унинг бир қисмини текшираётганда:

нормалар мазмуни бўйича;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг шакли бўйича;

давлат органлари ва мансабдор шахслар ўртасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан белгиланган ваколатларнинг чегараланиши нуқтаи назаридан;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилиниши, имзоланиши, шунингдек расмий эълон қилиниши ва амалга киритилиши тартиби бўйича унинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини аниқлайди.

Шундан келиб чиқиб, Конституциявий суд киритилган мурожаатни ҳар томонлама ва тўлиқ ўрганиб чиқиш учун Олий Мажлис Қонунчилик платаси қарорининг мазмуни бўйича **Конституцияга мувофиқлигини текшириш учун қуйидаги масалаларга аниқлик киритишни** мақсадга мувофиқ деб ҳисоблади:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси **Конституциявий Қонуни лойиҳасини қабул қилиш тартибига риоя қилинганлиги**;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан **референдумни тайинлаш тартибига риоя этилганлиги**;

референдумга қўйилаётган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни лойиҳасида **референдум предмети бўлиши мумкин бўлмаган масалалар мавжудлиги**.

Ушбу масалаларни ўрганиб чиқиб, Конституциявий суд қуйидагиларни аниқлади.

**1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни лойиҳасини қабул қилиш тартибига риоя қилинганлиги масаласи бўйича**.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Конституцияни қабул қилиш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тартибига оид қуйидаги нормалар белгиланган: Конституцияни қабул қилиш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатларига киради *(78-модда биринчи қисми 1-банди)*, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиришлар тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинган қонун ёки Ўзбекистон Республикасининг референдуми билан киритилади *(127-модда)*.

Конституциявий суд Қонунчилик палатаси томонидан ушбу конституциявий нормаларга риоя этилганлиги ҳолатини ўрганганда қуйидагиларни аниқлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифларни шакллантириш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг 2022 йил 20 майдаги қўшма қарори билан Конституциявий комиссия тузилган. Конституциявий комиссия таркибига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳам, Сенат аъзолари ҳам киритилган.

Конституциявий Қонун лойиҳасини тайёрлаш ва маромига етказишда Қонунчилик палатасининг 2022 йил 24 июндаги қарори билан "Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида"ги Қонун талабларига риоя этилган ҳолда икки босқичда умумхалқ муҳокамаси ўтказилганлиги, ушбу жараёнда "Meningkonstitutsiyam.uz" электрон платформаси, қисқа рақамли колл-маркази, почта алоқаси, маҳаллалар, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва ижтимоий тармоқлар орқали фуқаролардан **220 мингдан** ортиқ фикр ва таклифлар қабул қилинган ва таҳлил қилинган.

Хусусан, "Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида"ги Қонуннинг 14-моддаси талабларидан келиб чиқиб, Конституциявий Қонун лойиҳаси "Халқ сўзи", "Народное слово" газеталари, "Meningkonstitutsiyam.uz" электрон платформасида эълон қилинган.

"Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида"ги Қонуннинг 15-моддаси талабларидан келиб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси (кейинги ўринларда — масъул қўмиталар) Конституциявий Қонун лойиҳаси юзасидан тушган таклиф ва мулоҳазаларни ҳисобга олиб борган.

Таклиф ва мулоҳазалар умумлаштирилиб, эксперт, мутахассис ва олимлар иштирокида таҳлил қилинган. Конституциявий Қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси бўйича конференция, семинар ва давра суҳбатлари уюштирилган ҳамда келиб тушган таклифлар, фикр ва мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда Конституциявий Қонун лойиҳаси маромига етказилган.

Конституциявий Қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси якунлари "Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида"ги Қонуннинг 25-моддаси талабларидан келиб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан кўриб чиқилган. Кўриб чиқиш натижалари бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2022 йил 24 ноябрдаги 2703-IV-сон қарори қабул қилинган ҳамда масъул қўмиталарга депутатлар томонидан билдирилган таклифларни инобатга олган ҳолда Конституциявий Қонун лойиҳаси юзасидан ишларни давом эттириш топширилган.

Масъул қўмиталар томонидан тайёрланган қўшма хулоса 2023 йил 7 мартда Қонунчилик палатасига кўриб чиқиш учун киритилган. Қўшма хулосада "Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни лойиҳасининг номини "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида" деб ўзгартириш таклиф этилган. 2023 йил 9-10 март кунлари Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида масъул қўмиталарнинг қўшма хулосаси, шу жумладан, Конституциявий Қонун лойиҳаси номини ўзгартириш бўйича таклифи кўриб чиқилган ҳамда қўллаб-қувватланган.

Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2023 йил 10 мартдаги 3017-IV-сон қарори билан "Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни лойиҳасининг номи "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида" деб ўзгартирилган ҳамда унинг матни мазкур қарор иловасига мувофиқ маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг ҳажми ва кўлами, хусусан, унинг моддалари **128 тадан 155 тага** кўпаяётганлиги, амалдаги **128 та** моддадан **91 тасига** концептуал ўзгартиришлар киритилаётганлигини инобатга олиб, Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси Конституциясини янги таҳрирда баён этишни асосли деб ҳисоблайди.

Конституциявий суд Конституциявий Қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасидан ўтказилганлиги ва унинг натижалари асосида Конституциявий Қонун лойиҳаси маромига етказилганлиги, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасига мувофиқ Олий Мажлис Қонунчилик палатаси "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги Конституциявий Қонун лойиҳаси бўйича референдум ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилганлиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган халқ ҳокимиятчилиги конституциявий принципига *(7-модда)* мос келишига эътибор қаратади.

Юқорида баён этилган ҳолатлардан келиб чиқиб, Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан **"Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни лойиҳасини қабул қилишнинг қонунда белгиланган тартибига риоя этилган**, деган хулосага келади.

**2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан референдумни тайинлаш тартибига риоя этилганлигини аниқлаш масаласи юзасидан.**

"Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида"ги Қонуннинг 14-моддасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари референдумни тайинлаш тартиби белгиланган бўлиб, унга асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси референдум ўтказиш ташаббусини кўрсатиш тўғрисидаги материалларни ва масъул қўмита хулосасини кўриб чиқиб, қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

референдумни тайинлаш ва уни ўтказишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида;

референдум ўтказиш тўғрисидаги ташаббусни рад этиш ҳақида;

референдум ўтказиш тўғрисидаги ташаббусда таклиф қилинган қонунни ёки бошқа қарорни референдум ўтказмасдан туриб қабул қилиш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг референдум масаласига доир қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан **уч кун** ичида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига юборилади.

Тақдим этилган маълумотларни таҳлил қилиш асосида Конституциявий суд Олий Мажлис Қонунчилик палатасига масъул қўмиталари референдум ўтказиш тўғрисидаги материалларни ва ўз хулосаларини 2023 йил 7 мартда Қонунчилик палатасига кўриб чиқиш учун киритганлигини ҳамда 2023 йил 9 ва 10 март кунлари бўлиб ўтган Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида масъул қўмиталарнинг ушбу ташаббуси маъқулланганлигини ҳамда Қонунчилик палатасининг тегишли қарори қабул қилиниб, Сенатга юборилганлигини аниқлади.

Шунингдек, "Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида"ги Қонуннинг 14-моддасига мувофиқ Олий Мажлис палаталарининг референдумни ўтказиш ва референдум ўтказиладиган санани тайинлаш тўғрисидаги қарорларида уни ўтказиш санаси белгиланади ҳамда бунда овоз бериш палаталарнинг қарорлари эълон қилинган кундан эътиборан бир ярим ойдан уч ойгача бўлган даврда ҳисобланган санага тайинланиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Конституциявий суд Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2023 йил 10 мартдаги референдум ўтказиш масаласига доир қарорида Ўзбекистон Республикаси референдумига **2023 йил 30 апрель — якшанба куни** ўтказилишини белгиланганлиги ва бунда "Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида"ги Қонуннинг 14-моддасида белгиланган талабга риоя этилганлигини аниқлади.

Шу билан бирга, "Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида"ги Қонуннинг 3-моддасида референдум ўтказилиши истисно этадиган ҳолатлар белгиланган бўлиб, Конституциявий суд мазкур масалани ўрганиб чиқди ва референдум ўтказилиши истисно этадиган ҳолатларни аниқламади.

Конституциявий суд давлат органлари ва мансабдор шахслар ўртасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан белгиланган ваколатларнинг чегараланиши нуқтаи назаридан қуйидагиларни аниқлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш тўғрисида ва уни ўтказиш санасини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилиш Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари ҳисобланади. Палаталарнинг биргаликдаги ваколатларига кирадиган масалалар, қоида тариқасида, аввал Олий Мажлис Қонунчилик палатасида, сўнгра Сенатда кўриб чиқилади. Мазкур конституциявий нормалардан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мурожаатида кўрсатилган масала Сенатнинг тегишли қарори билан ҳам тасдиқлангандан сўнг амалга оширилади.

Юқоридагилар асосида Конституциявий суд **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан референдумни тайинлаш тартибига риоя этилган,** деган хулосага келади.

**3. Референдумга қўйилаётган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни лойиҳасида референдум предмети бўлиши мумкин бўлмаган масалалар мавжудлиги юзасидан**.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 9-моддасига мувофиқ, жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади.

"Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида"ги Қонуннинг 2-моддасига мувофиқ қуйидаги масалалар референдум предмети бўлиши мумкин эмас:

Ўзбекистон Республикасининг ҳудудий яхлитлигини ўзгартириш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва солиқлар;

амнистия ва афв этиш;

жамоат тартибини, аҳоли соғлиғи ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича фавқулодда ва шошилинч чора-тадбирлар ўтказиш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш;

мансабдор шахсларни тайинлаш ва вазифасидан озод этиш.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қарори билан "Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонун лойиҳаси референдумга қўйилмоқда.

Конституциявий суд томонидан ўрганиб чиқилган Конституциявий Қонун лойиҳасида "Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида"ги Қонуннинг 2-моддасида белгиланган референдум предмети бўлиши мумкин бўлмаган масалалар аниқланмади.

Хусусан, Конституциявий суд "Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни лойиҳасида референдум предмети бўлиши мумкин бўлмаган масалалар бор ёки йўқлиги нуқтаи назаридан ўрганганда қуйидагиларни аниқлади:

"Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни лойиҳаси **11 та моддадан** иборат бўлиб, мамлакат ва жамият ҳаётининг энг муҳим масалаларини тартибга солишга қаратилган.

Конституциявий Қонун лойиҳасининг 1-моддаси билан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси янги таҳрирда тасдиқланмоқда, хусусан, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасининг **муқаддимаси** янада ривожлантирилиб, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият сифатида қайд этилган, инсонпарвар демократик давлат, очиқ ва адолатли жамият барпо этиш масъулияти акс эттирилган.

Лойиҳанинг **асосий принципларга оид биринчи бўлимида** *(1–18-моддалар)* Ўзбекистоннинг "суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат" сифатидаги ҳуқуқий мақоми мустаҳкамланмоқда *(1-модда)*. Конституция олий юридик кучга эгалиги, тўғридан-тўғри амал қилиши белгилаб қўйилмоқда *(15-модда)*, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати принциплари "давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги" принципи билан тўлдирилмоқда *(17-модда)*;

Лойиҳанинг **инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларига бағишланган иккинчи бўлимида** *(19–64-моддалар)* инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш – давлатнинг олий мақсади этиб белгиланмоқда *(54-модда)*. Инсон ва давлат органлари ўртасидаги юзага келадиган ноаниқликлар инсон фойдасига талқин қилиниши, ҳуқуқий таъсир чоралари қонуний мақсадга эришиш учун етарли ва мутаносиб бўлиши кераклиги *(20-модда)*, инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсизлиги, ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилмоқда *(26-модда)*.

Инсон ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари кенгайтирилмоқда. Хусусан, экология *(49-модда)*, соғлиқни сақлаш *(48-модда)*, гендер тенглик *(58-модда)*, эркин ҳаракатланиш, турар ва яшаш жойини эркин танлаш, мамлакатдан чиқиш ва монеликсиз қайтиш *(32-модда)*, шахсий маълумотлар ҳимояси *(31-модда)*, танлов асосида давлат ҳисобидан бепул олий маълумот олиш *(51-модда)*, бепул юридик ёрдам олиш *(29-модда)*, давлат хизматига киришда тенглик *(37-модда)*, уй-жойга эга бўлиш, ундан маҳрум этилганда компенсация олиш *(47-модда)*, банк операциялари ва ҳисобварақларининг сир сақланиши *(41-модда)*, дам олиш *(45-модда)*, тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини давлат ҳисобидан олиш *(48-модда)*, қонунчиликка оид таклиф киритиш *(98-модда)* каби янги конституциявий ҳуқуқлар киритилмоқда.

Лойиҳанинг **жамият ва шахс ҳақидаги учинчи бўлимида** *(65–82-моддалар)* бозор муносабатларини ривожлантириш, ҳалол рақобат учун шарт-шароит яратиш *(65-модда)*, қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини таъминлаш *(67-модда)* ҳақидаги қоидалар мустаҳкамланмоқда. Мулкий ҳуқуқларни чеклаш фақат суд қарори асосида бўлиши *(65-модда)*, товарлар, хизматлар, меҳнат ресурслари ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатланиши кафолатланмоқда *(67-модда)*.

Оила, болалар ва ёшлар ҳуқуқлари кафолатлари кучайтирилиб, давлатнинг бола ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш *(77 ва 78-моддалар)*, ёшларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шароит яратиш бўйича масъулияти белгиланмоқда *(79-модда)*.

Оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти институтлари фаолияти кафолатлари мустаҳкамланиб, оммавий ахборот воситалари фаолияти эркинлиги, уларнинг ахборотни излаш, олиш, ундан фойдаланиш ва уни тарқатишга бўлган ҳуқуқлари кафолатланмоқда, улар фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки аралашиш жавобгарликка сабаб бўлиши белгиланмоқда *(81 ва 82-моддалар)*.

Лойиҳанинг **маъмурий-ҳудудий ва давлат тузилиши масалаларига тааллуқли тўртинчи бўлими** *(83–90-моддалар)* амалдаги таҳрирда ўзгаришсиз қолдирилмоқда, ушбу моддаларга ўзгартириш киритилмаган, фақатгина Конституция моддаларининг сони кўпайганлиги муносабати билан ушбу моддаларнинг тартиб рақами ўзгармоқда.

Лойиҳанинг **давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши тўғрисидаги бешинчи бўлимида** *(91–153-моддалар)* парламент палаталарининг ваколатлари қайта кўриб чиқилмоқда. Давлат бюджети ижросини назорат қилиш, Ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқиш каби ваколатлар Қонунчилик палатасига ўтказилмоқда *(94-модда)*. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ваколатлари Сенатга ўтказилмоқда. Хусусан, Бош прокурор, Ҳисоб палатаси, Давлат хавфсизлик хизмати раҳбарлигига номзодлар аввал Сенатда кўриб чиқилиб, кейин Президент томонидан тайинланиши, монополияга ва коррупцияга қарши курашиш органлари раҳбарлари ҳамда Судьялар олий кенгашининг барча аъзолари Сенат томонидан сайланиши амалиёти жорий этилмоқда *(95-модда)*.

Ҳукуматнинг Олий Мажлис ва Президент олдидаги жавобгарлиги кучайтирилмоқда. Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятини Президент томонидан белгилаб бериладиган ижро этувчи ҳокимиятнинг асосий йўналишлари доирасида амалга ошириши *(114-модда)*, Бош вазир номзоди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Қонунчилик палатасига тақдим этилиши, Ҳукумат аъзолари қуйи палата розилиги билан лавозимга тайинланиши белгиланмоқда, Қонунчилик палатасига Ҳукумат аъзосининг ҳисоботини эшитиш ва уни истеъфога чиқариш тўғрисида таклиф киритиш ваколати берилмоқда *(118-модда)*. Ҳокимларнинг халқ депутатлари Кенгашларига раҳбарлик қилиш ваколати чиқарилмоқда *(120-модда)*.

Судьялар дахлсизлиги ва муайян ишлар бўйича ҳисобдор бўлмаслиги *(136-модда)*, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, судлар фаолиятини молиялаштириш фақат Давлат бюджетидан амалга оширилиши *(140-модда)* каби конституциявий нормалар киритилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьяларининг ваколат муддати ўзгартирилмоқда. Хусусан, амалдаги қонунчиликка кўра, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьялари биринчи марта беш йилга, кейин ўн йилга сайланса, янги тартибга кўра судьялар қайта сайлаш ҳуқуқисиз ўн йил муддатга сайланади *(132-модда)*. Бу норма Конституциявий суд судьяларининг холислиги ва мустақиллигини таъминлашга хизмат қилади.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасида акс эттирилаётган, юқорида қайд этилган ва бошқа ўзгартиш ва қўшимчалар Ўзбекистоннинг халқаро шартномаларида назарда тутилган мажбуриятларига мувофиқдир.

Конституциявий Қонун лойиҳасининг **2–7-моддаларида** унинг кучга кириши, тўғридан-тўғри амал қилиши, давлат ҳокимияти органлари ва давлат ҳокимияти мансабдор шахсларига нисбатан қўлланилиши тартиби ва муддатлари баён этилган. Хусусан, Конституциявий Қонуннинг давлат ҳокимияти мансабдор шахсларининг ваколат муддатлари, сайланиш (тайинланиш) тартиби ва (ёки) шартларини ўзгартирувчи ва (ёки) бошқача тарзда таъсир қилувчи қоидалари ушбу Конституциявий Қонун кучга кирган пайтда мазкур лавозимларни эгаллаб турган шахсларга нисбатан қўлланилиши ва ушбу шахслар мазкур Конституциявий Қонун кучга кирган пайтда кўрсатилган лавозимларни эгаллаганлиги ва (ёки) эгаллаб келаётганлигининг сурункали муддатлари сонидан қатъи назар, бошқа фуқаролар билан тенг равишда Конституция, шу жумладан, ушбу Конституциявий Қонун таҳриридаги Конституция талабларига мувофиқ ушбу лавозимларга сайланиш (тайинланиш) ҳуқуқига эга бўлиши белгиланмоқда. Яъни янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида сайлаш (тайинлаш) тартиби ва (ёки) муддати ўзгараётган барча давлат ҳокимияти мансабдор шахсларига бу қоида тегишли.

Бинобарин, мазкур ўзгартиш ва қўшимчалар Конституциянинг 7-моддасида белгиланган халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир, деган концептуал қоидага мувофиқ равишда халқ муҳокамасига тақдим этилиб, референдумга қўйилиб, халқ томонидан қўллаб-қувватлансагина, конституциявий-ҳуқуқий аҳамият касб этади.

**Конституциявий Қонун лойиҳасининг 8–11-моддалари** билан ушбу Конституциявий Қонун ва унинг таҳриридаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби, ушбу Конституциявий Қонун таҳриридаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нормаларини амалга ошириш, мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш ва тушунтириш, конституциявий нормаларни тўғридан-тўғри амал қилувчи ҳужжат сифатида қўллаш юзасидан ягона суд амалиётини ташкил этиш бўйича тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Олий суд ва Вазирлар Маҳкамаси олдига вазифалар қўйилмоқда.

"Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида"ги Қонуннинг 38-моддасига мувофиқ умумхалқ овози — референдумга қўйилаётган "Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунни лойиҳаси овоз беришда иштирок этган фуқароларнинг ярмидан кўпроғи томонидан ёқлаб **овоз берилган тақдирда юридик кучга эга бўлади**. Бунда рўйхатга киритилган фуқароларнинг ярмидан кўпи референдумда иштирок этган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси референдумни ўтган деб топади.

Конституциявий суд мазкур Конституциявий Қонун лойиҳасининг **референдумга қўйилишини** бевосита демократия, халқ ҳокимиятчилигини амалга оширишнинг конституциявий-ҳуқуқий шакли ва ифодаси, деб ҳисоблайди. Янги таҳрирдаги Конституция лойиҳаси референдумда **халқ томонидан тўғридан-тўғри қабул қилинса,** ушбу ҳужжатнинг олий юридик кучи ва мақоми янада мустаҳкамланади, Конституцияда белгиланган Ўзбекистоннинг демократик республика эканлиги ҳақидаги тавсифи *(1-модда)*, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи ҳисобланиши *(7-модда)*, фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита иштирок этиши *(32-модда)* ҳақидаги **конституциявий нормалардан келиб чиқади ҳамда Конституцияга мувофиқдир,** деган хулосага келади.

Конституциявий суд "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни лойиҳасининг батафсил таҳлили асосида лойиҳада **референдум предмети бўлмайдиган масалалар мавжуд эмас,** деб топади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 109-моддаси биринчи қисмининг 1-банди, "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги Конституциявий Қонун 4-моддаси биринчи қисмининг 1-банди, 67, 69, 70, 72 ва 82-моддаларига амал қилган ҳолда, Конституциявий суд

### ҚАРОР ҚИЛДИ:

**1.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2023 йил 10 мартда қабул қилган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш ҳақида"ги 3017-IV-сон қарори **Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ** деб топилсин.

**2.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2023 йил 10 мартда қабул қилган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш ҳақида"ги 3017-IV-сон қарорига илова қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни лойиҳасида **референдум предмети бўлмайдиган масалалар мавжуд эмас, шунингдек, ушбу Конституциявий Қонун лойиҳасини референдумга қўйиш Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ** деб ҳисоблансин.

**3.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси **Конституциявий Қонуни лойиҳасини қабул қилиш** ва **референдумни тайинлаш тартибига риоя этилган** деб топилсин.

**4.** Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатига юборилсин.

**5.** Мазкур қарор "Халқ сўзи"ва "Народное слово" газеталари, "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси ва Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг расмий веб-сайтида эълон қилинсин.

**6.** Мазкур қарор қатъий, унинг устидан шикоят қилиниши мумкин эмас ва у расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди**

Тошкент ш.,
2023 йил 13 март,
КСҚ-4-сон

# РЕФЕРЕНДУМ — ХАЛҚ ИРОДАСИНИНГ ҲАЁТИЙ ИФОДАСИ

1

Хусусан, лойиҳа юзасидан фуқароларнинг фикр ва таклифларини қабул қилиш, умумлаштириш ва уларга жавоб қайтариш механизмлари жорий этилганлиги, “Meningkonstitutsiyam.uz” электрон платформаси, қисқа рақамли Call-марказ, почта алоқаси, маҳаллалар, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва ижтимоий тармоқлар орқали фуқаролардан 220 мингдан ортиқ таклифлар қабул қилиниб, уларнинг ҳар тўрттасидан биттаси лойиҳадан жой олгани таъкидланди.

Мажлисда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати вакиллари, адлия вазири ҳамда Конституциявий суд Илмий-маслаҳат кенгаши аъзоларининг кўриб чиқилаётган масала юзасидан фикр ва мулоҳазалари тингланди.

Суд мажлисида Конституциявий суд томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасига мувофиқ Олий Мажлис Қонунчилик палатаси “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Конституциявий Қонун лойиҳасини референдумга қўймасдан қабул қилиш ваколатига эга бўлсада, уни қабул қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилганлигига эътибор қаратилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини референдум ўтказиш йўли билан қабул қилиш мамлакат тарихида биринчи марта қўлланилаётганлиги, референдум халқ иродасининг бевосита ифодаси эканлиги, референдумда қабул қилинган қарорлар олий юридик кучга эга бўлиши, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир, деган конституциявий тамойилга асосланиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан Конституцияни қабул қилиш халқнинг иродасига ҳавола этилиши халқ ҳокимиятчилиги конституциявий принципини амалга оширишга хизмат қилиши қайд этилди.

Мажлисда эксперт ва мутахассислар томонидан “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Конституциявий Қонун лойиҳаси халқ овоз берганидан кейин тўғридан-тўғри амалга киритилиши, бунда қўшимча ҳужжатлар қабул қилиш, Олий Мажлис томонидан муҳокамадан ўтказиш ёки имзолаш зарурати бўлмаслиги ҳамда бу бевосита демократияга оид халқаро стандартларга мос келиши эътироф этилди.

Конституциявий суд “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Конституциявий Қонун лойиҳасининг ҳар бир моддаси ва бандини атрофлича кўриб чиқди. Конституциявий суд томонидан референдум тайинлаш тартибига риоя этилганлиги ўрганилганда, Ўзбекистон Республикаси референдуми 2023 йил 30 апрель — якшанба куни ўтказилиши “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги Қонун 14-моддасига мувофиқлигини ҳамда референдум ўтказилишини истисно этадиган ҳолатлар мавжуд эмаслиги ҳақида тўхтамга келинди.

Шу билан бирга, мажлисда Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш тўғрисида ва уни ўтказиш санасини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилиш Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколати ҳисобланиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасига асосан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мурожаатида кўрсатилган масала Сенатнинг тегишли қарори билан ҳам тасдиқлангандан сўнг амалга оширилиши таъкидланди.

Муҳокамалар якуни бўйича Конституциявий суд Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан Конституцияга ўзгартиш киритиш тартибига риоя қилинганлиги, референдумга қўйилаётган Конституциявий Қонун лойиҳасида референдум предмети бўлиши мумкин бўлмаган масалалар мавжуд эмаслиги ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан референдум тайинлаш тартибига риоя этилганлигини аниқлади.

Конституциявий суд томонидан “Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси тўғрисида”ги Конституциявий Қонун лойиҳаси ўрганилиб, референдум предмети бўлиши мумкин бўлмаган масалалар мавжуд эмас, деб топилди, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси янги таҳрири Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалардаги мажбуриятларига ҳам мослиги аниқланди.

“Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги Қонуннинг 38-моддасига мувофиқ референдумга қўйилаётган “Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси тўғрисида”ги Конституциявий Қонун лойиҳаси овоз беришда иштирок этган фуқароларнинг ярмидан кўпроғи томонидан ёқлаб овоз берилган тақдирда юридик кучга эга бўлади. Бунда рўйхатга киритилган фуқароларнинг ярмидан кўпи референдумда иштирок этган бўлса, Марказий сайлов комиссияси референдумни ўтган деб топади.

Мажлисда Конституциявий қонун лойиҳасининг референдумга қўйилиши бевосита демократия, халқ ҳокимиятчилигини амалга оширишнинг конституциявий-ҳуқуқий шакли ва ифодаси эканлиги, янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасининг референдумда халқ томонидан тўғридан-тўғри қабул қилиниши ушбу ҳужжатнинг олий юридик кучи ва мақомини янада мустаҳкамлаши, Конституциянинг 1-моддасида белгиланган Ўзбекистоннинг демократик республика эканлиги ҳақидаги тавсифи, шунингдек, 7-моддасидаги халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи ҳисобланиши, 32-моддасидаги фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита иштирок этиши ҳақидаги конституциявий нормалардан келиб чиқиши ҳамда Конституцияга тўла мувофиқлиги таъкидланди.

Конституциявий суд муҳокама қилинган масалани ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, иш бўйича тўпланган материаллар, тарафлар ва экспертларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2023 йил 10 мартда қабул қилган “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш ҳақида”ги 3017-IV-сон қарорини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ деб топди ва тегишли қарорини эълон қилди.

**«Халқ сўзи».**

## МАДАНИЯТ ВА ТУРИЗМ ВАЗИРЛИГИ НУФУЗЛИ ТАДБИРДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

1

“PATWA International Travel Awards 2023” мукофоти авиация, меҳмонхоналар, сайёҳлик агентликлари ва операторлари, сайёҳлик йўналишлари, давлат идоралари, вазирликлар, хизмат кўрсатувчи провайдерлар каби туризмни ривожлантиришда иштирок этган шахслар ва ташкилотларга берилади.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, шу йилнинг 7 — 9 март кунлари Берлин шаҳрида бўлиб ўтган “ITB Berlin” туризм кўргазмасида Ўзбекистон миллий стенди ҳам намойиш этилган эди.

**«Халқ сўзи».**

Дунё нигоҳи

## ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИ ТОМОНИДАН БЎЛГАН КАТТА ИШОНЧ АСОСИДА ДЕМОКРАТИК ИНСТИТУТЛАРНИ БАРПО ЭТИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ТАЖРИБАНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ МОСЛАШТИРДИ

*Ўзбекистондаги сиёсий жараёнлар халқаро ижтимоий-сиёсий ва эксперт доираларининг диққат марказида бўлиб турибди. Хусусан, мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, шунингдек, Конституция ва қонунларимизга “инсон — жамият — давлат” тамойилини чуқур жорий этиш мақсадида мамлакатимизда амалга оширилаётган конституциявий ислоҳот алоҳида қизиқиш уйғотмоқда.*

**Пьер ТОМАНН,**
**Европа халқаро муносабатлар институтининг геосиёсий тадқиқотлар бўйича директори:**

— Мен кўп йиллардан буён Ўзбекистондаги ривожланиш жараёнларини кузатиб келаман. Юртингизда бир неча маротаба бўлганман. Йил сайин ривожланишда изчил тараққиёт яққол кузатилмоқда.

Мамлакатингиз мустақилликка эришганидан сўнг жамиятни янгилаштириш даврида муваффақиятли ўтди, бу эса бугунги кунда демократик тараққиётнинг ўзига хос моделини яратиш имконини берди. Ундан кўзланган пировард мақсад — халқ фаровонлигидир.

Халқаро майдонда ҳам Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига очиқлиги, хусусан, минтақанинг барча мамлакатлари билан яхши қўшничилик муносабатларини такомиллаштиришга йўналтирилган минтақавий сиёсати, айниқса, катта таассурот уйғотади. Мамлакат тобора замонавий ва ўсувчан бўлиб бормоқда.

Диққатга сазовор жиҳати, Ўзбекистондаги демократик ўзгаришлар тадрижий йўл билан амалга оширилмоқдаки, бу изчиллик ва барқарорлик ҳамда мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларини, жумладан, менталитет ва анъаналарни ҳисобга олган ҳолда ҳаётга татбиқ этилаётгани билан изоҳланади.

Шу маънода, конституциявий ислоҳот мамлакат ва жамият бошдан кечираётган муайян ўзгаришларни ўзида акс эттирадиган жараёндир. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, кўпгина мамлакатлар ривожланишининг турли босқичларида шунга ўхшаш жараёнларни бошдан кечирган.

Ўзбекистон аҳоли томонидан бўлган катта ишонч асосида демократик институтларни барпо этиш бўйича халқаро тажрибани муваффақиятли мослаштирган ва бугун мамлакат жиддий ютуқларга эришди.

Хусусан, сўнгги йилларда демократиянинг сўз, дин ва оммавий ахборот воситалари эркинлиги тобора мустаҳкамланмоқда. Суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш учун имкониятларни кенгайтириш борасидаги тараққиёт алоҳида эътиборга лойиқдир.

**Че Ён ХА,**
**Жанубий Кореянинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси, Сонмун университети профессори:**

— Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида халқ манфаатлари йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида мамлакат янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритмоқда.

Бугун янги Ўзбекистон ўзининг мисли кўрилмаган очиқлиги ва жадаллиги билан ажралиб турадиган аниқ ва конструктив сиёсат юритмоқда.

Шу кунларда мамлакатда муҳим сиёсий жараён — “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Конституциявий Қонун лойиҳаси бўйича референдум ўтказишга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда.

Мамлакатда давом этаётган конституциявий ислоҳот “Ўзбекистон — ижтимоий давлат” деган конституциявий тамойил асосида амалга оширилаётгани муҳим аҳамиятга эга. Эътиборли жиҳати шундаки, аввал амалда бўлган “давлат — жамият — шахс” ёндашуви янги, “инсон — жамият — давлат” тамойилига ўтмоқда. Халқаро ҳамжамият Ўзбекистондаги конституциявий ислоҳотга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Қонун лойиҳасининг Ўзбекистон парламенти депутатлари томонидан моддама-модда кўриб чиқилгани, уни янада такомиллаштиришга доир бир қатор таклиф ва фикр-мулоҳазалар берилгани, эндиликда эса конституциявий ислоҳот фуқароларнинг фикри ва қўллаб-қувватлаши асосида референдум орқали амалга оширилиши том маънода ҳақиқий халқ Конституцияси қабул қилиниши сифатида алоҳида эътирофга лойиқдир.

Албатта, туб бурилишлар даври нафақат амалдаги қонунчиликни, балки мамлакат Конституциясини ҳам ислоҳ қилиш, янги давр мақсадларини унда тўлиқ акс эттириш вазифасини кун тартибига қўяди. Бундан шундай хулоса келиб чиқади: конституциявий ислоҳот — давр талаби ва тараққиётнинг шартидир.

Бугун Ўзбекистон маррани жуда баланд олгани ҳеч кимга сир эмас. Чунки глобаллашув жараёнининг шиддати, жаҳонда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларнинг ривожланиш эволюцияси шуни тақозо этмоқда. Ҳар бир соат, ҳар бир кундан самарали, унумли фойдаланиш сув ва ҳаводек зарур.

Ишонаманки, Ўзбекистоннинг янгиланаётган Конституцияси мамлакатнинг узоқ муддатли тараққиёт стратегиялари, умуман, юрт ва халқнинг эртанги фаровон ҳаёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос ҳамда ишончли кафолат яратади. Мамлакатда Конституцияни бугунги давр талабларига мослаштириш, уни янада такомиллаштириш мақсадида бошланган ислоҳотлар муваффақиятли якунланишига тилакдошман.

**Хари НАРАЙАНАН,**
**Осиё — Тинч океани технология ва инновациялар университети ректори (Малайзия):**

— Малайзия академик доиралари вакили сифатида Ўзбекистоннинг янгиланган Асосий Қонунида таълим олиш ҳуқуқи ва ундан фойдаланиш, шунингдек, ўқитувчиларга конституциявий мақом бериш масалалари қамраб олинишини қўллаб-қувватлайман. Шу муносабат билан Ўзбекистонда конституциявий ислоҳотнинг амалга оширилиши жуда ўз вақтида ва долзарб деб ҳисоблайман.

Олий таълим муассасаларига академик эркинлик бериш, нодавлат таълим ташкилотларини қўллаб-қувватлаш ҳақидаги нормалар навқирон авлодга замонавий мутахассисликларни пухта эгаллаш орқали ўз ҳаётини яхшилаш, орзу-умидларини рўёбга чиқариш, ҳаётда ўз ўрнини топиши ва шахсини камол топтириш имконини яратмоқда.

Шунингдек, алоҳида эҳтиёжли болаларнинг таълим муассасаларида инклюзив таълим ва тарбиясини ташкил этиш, уларни умумтаълим ва бошқа мактабларга ўқишга юбориш янги Ўзбекистонда инсон қадр-қимматини тамойилининг амалий ифодасидир.

Ўқитувчиларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий ўсиши ҳақида ғамхўрлик кўрсатиш бўйича жорий этилган янги меъёрлар устозларнинг ижтимоий мавқеи, мамлакат тараққиёти, уларнинг интеллектуал салоҳияти ва жамиятдаги обрў-эътиборини янада юксалтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Ишончим комилки, янгиланган Конституция ижтимоий, демократик-ҳуқуқий ва чинакам халқ давлатчилиги асосларини яратади, аҳоли фаровонлигини юксалтириш билан бирга янги Ўзбекистон тараққиётида янги даврни очиб беради.

**«Дунё» АА.**

Сенаторлар ҳудудларда

## ИСЛОҲОТЛАР СУРЪАТИ ЖОЙИДА ЎРГАНИЛДИ

*Куни кеча Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси раиси Б. Алихонов ҳамда унинг ўринбосари Б. Матмуродов бошчилигидаги ишчи гуруҳ Қорақалпоғистон Республикасининг бир қатор шаҳар ва туманларида бўлди.*

Сенаторлар Президент қарор ва фармонларида белгиланган вазифаларнинг ҳудудлардаги ижроси, шу асосда аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг ҳолати билан танишди.

Дастлаб Кегейли туманидаги “Қумшунгул” ОФЙ ҳудудида янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилган 150 ўринли 14-мактабгача таълим муассасасида яратилган шарт-шароитлар кўздан кечирилди.

Мазкур муассасада болажонлар учун барча қулайлик яратилган бўлиб, бугунги кунда бу ерда 132 нафар бола малакали мутахассислар томонидан тарбияланмоқда. Сенаторлар муассаса мутасаддилари билан суҳбатлашиб, уларнинг таклифларини ҳам тинглади.

Сенаторлар Кегейли туманидаги “Aktuba textile group” корхонаси фаолияти билан ҳам танишди. Ҳозирги кунда бу ерда 400 га яқин хотин-қизлар иш билан таъминланган. Корхона йилига 2,4 млн. дона трикотаж маҳсулоти ишлаб чиқариш қувватига эга.

Ишчи гуруҳнинг кейинги манзили — Нукус шаҳри. Улар бу ерда жойлашган баliқчилик кластери фаолиятини кўздан кечиришди.

Интенсив усулда балиқ етиштиришга ихтисослаштирилган бу корхонада, асосан, Африка сом лаққа балиқлари парваришланиб, туман аҳолиси ҳамда юртимизнинг бошқа ҳудудларига етказиб берилаётир. Корхонада 25 та иш ўрни яратилган. Жамоа аъзолари бу ерда етиштирилган балиқ маҳсулотларини қайта ишлаб, экспорт қилиш ниятида жавлон ураётир.

Ўз навбатида, ишчи гуруҳ аъзолари Хўжайли туманида бўлиб, ҳудудни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларни таҳлилдан ўтказди. Шу мақсадда “Хўжайли ун маҳсулотлари” корхонаси фаолияти билан танишилди. Маълум бўлишича, корхона 2021 йил охирида ишга туширилган, бу ерда 94 та янги иш ўрни яратилган.

Ўрганиш давомида сенаторлар йиллик қуввати 1 млрд. 250 млн. сўмлик қизилмия илдизини қайта ишлашдан чиққан чиқиндиларни йиғиш ва ундан гранула тайёрлашга ихтисослаштирилган корхона фаолияти билан ҳам танишди. Қайд этилишича, корхона 2022 йилнинг иккинчи ярмида ишга туширилган бўлиб, айни чоғда унинг маҳсулотлари Германияга экспорт қилиниш арафасида.

## ҚАРОР ИЖРОСИ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

*Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.*

Унда Президентнинг “2020-2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, қарорга мувофиқ қабул қилинган дастурда белгиланган вазифалар ижроси бўйича қатор ишлар амалга оширилган.

Хусусан, 2022 йилда давлат ва ҳудудий инвестиция дастурлари доирасида 844 та лойиҳани ишга тушириш орқали 14 минг 769 та иш ўрни яратиш режалаштирилган бўлиб, амалда 960 та лойиҳа ишга туширилган ва 16 минг 204 та иш ўрни очилган. 2023 йилда эса 113 та лойиҳани амалга ошириш ва 2 224 та янги иш ўрни яратиш режа қилинган. Ҳозирда ушбу лойиҳаларни рўёбга чиқариш ишлари тизимли олиб борилмоқда.

Қарорга биноан, 45 та маҳалла шароити оғир тоифага киритилган. Бугунги кунда уларда 78,1 км. электр узатиш тармоқлари тортилиб, 41 та трансформатор пункти ҳамда 1 714 та бетон устун ўрнатилган ва 7,2 млрд. сўмлик юмушлар бажарилган. Шунингдек, 11 та газ тақсимлаш пункти техник кўрикдан ўтказилиб, бўёқлаш ишлари бажарилган, 9 км. газ ва 73 км. ичимлик суви тармоқлари мукаммал таъмирланган. Бунга 21 млрд. 641 млн. сўм маблағ йўналтирилган.

Бундан ташқари, 8 та маҳалла биноси янгидан қурилган, яна 8 таси таъмирланган. 45 фуқаролар йиғини компьютер техникаси ва мебель жиҳозлари билан таъминланган ҳамда 45 та маҳалла ва овулда 447 та янги тадбиркорлик субъекти очилган.

Мажлисда таъкидланганидек, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси паст тоифага киритилган Тахтакўпир, Бўзатов ва Шуманай туманларида янгидан ташкил этиладиган саноат йўналишидаги тадбиркорлик субъектлари 2024 йил 1 январга қадар ер, мол-мулк ҳамда кичик корхоналар айланмасидан олинадиган солиқлардан, шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорларнинг қатъий миқдордаги даромад солиғи тўлашдан озод қилинган.

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича олиб кириладиган ва фақат ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган асбоб-ускуна, бутловчи ва эҳтиёт қисмлар учун божхона божи тўлашдан озод қилинган.

Ўтган йил давомида 27 та тадбиркорлик субъектига берилган солиқ имтиёзи натижасида 1 336,4 млн. сўм маблағ уларнинг ихтиёрида қолдирилди.

Қайд этилганидек, 2022 йилда 70 га яқин ижтимоий соҳа объектларида 217 млрд. сўмлик ишлар уддаланган. Жорий йилда эса 105 та ижтимоий соҳа объектида 445,8 млрд. сўмлик қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш ишлари бажарилиши кўзда тутилган.

Тадбирда шу каби ютуқларга қарамай баъзи камчиликларга йўл қўйилгани ҳам айтиб ўтилди. Жумладан, айрим объектларда қурилиш-таъмирлаш ишлари охирига етказилмаган, маҳаллий бюджетдан бир қатор объектлар учун маблағ ажратилиши кечиктирилган.

Мажлисда мавжуд вазиятдан келиб чиқиб, Жўқорғи Кенгес депутатларига 2023 йилга мўлжалланган лойиҳаларни мониторинг қилиб бориш, бажарилиши лозим бўлган вазифалар устидан қатъий депутатлик назоратини ўрнатиш, юзага келган муаммолар бўйича депутатлик амалиётидан кенг фойдаланиш орқали ҳал этиш чораларини кўриш ҳамда жараён билан кенг жамоатчиликни хабардор қилиб бориш юзасидан тавсиялар берилди.

**«Халқ сўзи».**

Фракцияларда

## ДОЛЗАРБ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ – ДЕПУТАТЛАР МУҲОКАМАСИДА

*Кеча сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда жамият равнақига хизмат қиладиган бир нечта қонун лойиҳалари муҳокама марказида бўлди.*



**Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси** аъзолари “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини кўриб чиқишди.

Мазкур ҳужжат билан “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунга Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитасига унинг доимий фойдаланишида бўлган яйлов ерларида ёввойи ҳолда ўсувчи каврак ўсимлигидан махсус фойдаланиш ҳамда уни Ўзбекистондан олиб чиқиш учун рухсатнома бериш ваколатини беришни назарда тутувчи ўзгартишлар киритиляпти.

Шунингдек, Солиқ кодексига Яйлов хўжалигини ривожлантириш уюшмаси субъектларида фаолиятини амалга ошираётган мавсумий ишчилар томонидан 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкаси бўйича ижтимоий солиқ тўланишини, шунингдек, солиқ тўловчиларнинг ипак қурти уруғини ва пиллани етиштиришдан, пиллани қайта ишлашдан, тайёр ипак маҳсулотлари ва ипакчилик тармоғи учун ёрдамчи материаллар (пилла ўраш учун сунъий тутқичлар) ишлаб чиқаришдан олинган даромадлари айланмадан олинадиган солиқ тўловидан озод этилишини назарда тутувчи ўзгартишлар киритилмоқда.

Депутатларнинг фикрича, ушбу ҳужжат юртимизда ёввойи ҳолда ўсувчи каврак ўсимлигининг табиий захираларидан оқилона фойдаланилиши ва уларнинг тикланишини таъминлашга, кавракни саноат усулида қайта ишлаш ҳамда тайёр маҳсулот сифатида экспорт қилиш ҳажмини ошириш учун шарт-шароит яратади.

Қизғин баҳс-мунозара ва тортишувлардан сўнг қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси** йиғилишида “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама этилди.

Депутатлар мазкур қонун лойиҳаси фермер хўжаликлари ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиши ва уларнинг манфаатдорлигини оширишга хизмат қилишини алоҳида таъкидлаган ҳолда, 17-моддага киритилаётган ўзгартишга эътибор қаратди.

“Фермер хўжалигининг мажбуриятлари” деб номланган мазкур моддада сувни тежаш, сув ресурсларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини кўриш мақсадида фермер хўжаликлари фермерлараро ички суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари, улардаги иншоотларни таъмирлаш ҳамда тиклашда қатнашиши, уларни техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлаши ҳамда фойдаланишнинг меъёрий қоидаларига риоя этиши белгиланяпти.

Депутатлар мазкур ўзгартиш фермер хўжаликларига қўшимча иш ёки мажбурият юклаб қўйиши эҳтимолини юзага келтириши мумкинлиги юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Қонун лойиҳаси моддама-модда кўриб чиқилиб, муҳокама қилингач депутатлар томонидан маъқулланди.

Йиғилишда, шунингдек, “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига криптоактивлар айланмаси соҳасида лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тизимини такомиллаштиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди. Қонун криптоактивлар айланмаси соҳасини янада ривожлантириш ҳамда лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Депутатлар лойиҳани муҳокамадан ўтказар экан соҳага оид кўплаб атамалар ишлатилганига қарамай уларга изоҳ бериб кетилмагани, бунинг оқибатида мазмун-моҳиятини тушуниш қийин бўлиб қолгани бўйича эътироз билдирди. Шунга қарамай криптоактивлар айланмаси соҳасини тартибга солиш зарурати нуқтаи назаридан лойиҳа қўллаб-қувватланди.

Фракция йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Раматовга “Ҳудудларда қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини тўхташ жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида” Қонунчилик палатасининг парламент сўровини юбориш ҳақидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Мавзунинг долзарблиги инобатга олиниб, мазкур таклиф депутатлар томонидан маъқулланди.

**Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси** аъзолари томонидан дастлаб “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси қизғин муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш орқали қўшимча қиймат занжирини яратиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилиб, тадбиркорлик субъектларига кенг имкониятлар тақдим этилмоқда. Бироқ экспортбоп ва юқори қийматга эга ҳисобланган каврак хомашёсидан назоратсиз, режасиз ва нотўғри фойдаланиш натижасида ушбу доривор ўсимликнинг табиий тарқалган майдонлари қисқариб бормоқда.

Қонун лойиҳаси қабул қилиниши ёввойи ҳолда ўсувчи каврак ўсимлигини сақлаб қолиш ва унинг муҳофазаси самарадорлигини оширишга, Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитасига унинг доимий эгалигида бўлган яйлов ерларда кавракни йиғиш (ғамлаш) ва четга олиб чиқиш учун рухсатнома бериш тартибини такомиллаштиришга хизмат қилади. Қизғин муҳокамалардан сўнг, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Шундан сўнг йиғилишда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига криптоактивлар айланмаси соҳасида лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тизимини такомиллаштиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳалари кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 341. 21 345 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 02.30 Топширилди — 03.25 1 2 3 4 5 6